


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_ йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 366 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши .....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	4
1.2. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари .....	4
1.2.2. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .....	4
1.2.3. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .....	5
1.2.4. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....	5
2. 60230300 - <i>Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар ..	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
3. Библиографик маълумотлар.....	7
3.1. Келишув варағи .....	8

## **1. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** – “Тиллар” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида, шунингдек, хусусий таълим марказларида ихтисослигига доир фанлар билан бир қаторда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; қўлёзма фондлари, архив ва бошқаларда мумтоз меросни ўрганиш; адабий матншунослик ва манбашунослик ҳамда оригинал манба ва матнларга асосида мумтоз адабиёт намуналарининг танқидий матнларини яратиш; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, умумий ўрта, ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида ихтисослиги билан боғлиқ комплекс масалаларни ечиш кабиларни камраб олади.

**1.2.2. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумлари;

- шарқ ва ғарб тилларидан таржимон талаб этиладиган ташкилотлар;

- газета ва журналлар таҳририяти, радио ва телевидение, нашриётлар;

- соҳага оид илмий-тадқиқот ташкилотлари, кутубхоналар;
- турли қўлёзма ва китоблар сакланадиган фондлар;
- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

**1.2.3. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий ва маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *педагогик (умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)*
- *таржимонлик;*
- *консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

**1.2.4. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари**

60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- филология соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи сифатида намунавий усуллар ва бошқалар бўйича экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича илмий шарҳлар яратиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;
- илмий семинарлар, илмий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда катнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш;

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича яқка тартибда суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиқ бериш;

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- мумтоз меросни ўрганиш ва оммалаштиришга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва бевосита иштирок этиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

**Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):**

– мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

**Таржимонлик фаолиятида:**

– давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда ўрганилган чет тиллардан таржимонлик қилиш, иш қоғозлари билан ишлаш;

– турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда маъмурий ходим ва менежер хизматини кўрсата олиш;

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

– йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;

– ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керак.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)**

бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган иктисодиёт соҳаларини камраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

**2. 60230300 - Матншунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуктаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилятига эга бўлиши;

- шарқ адабиёти тарихи, ўтмишда яшаб ўтган улуғ ижодкорлар фаолияти, тарихий тилшунослик ва адабиётшунослик, ёзма адабий тиллар тарихи, қадимги ёзма ёдгорликлар, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари;

- эски ўзбек тили, араб ва форс тилларининг назарий ва амалий асослари, луғат бойлиги, мазкур тиллардаги илмий, бадий адабиёт ҳамда қўлёзмаларни ўқиш ва талқин қилиш;

- ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, назарий масалалари; адабий алоқалар, адабиётшунослик масалари;

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “А1 бошланғич” босқичидан бошлаб “В2 тилни мустақкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўникмалар доирасидаги билимларни қамраб олиш;

- асосий ўрганилаётган шарқ тили ҳамда инглиз тилида мулоқот олиб бориши, соҳагага оид матнларни таржима қила олиш;

- тил ва адабиёт ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилятига эга бўлиши.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---


### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, эски ўзбек тили, араб ва форс тилларининг фонетик тизими, морфологияси, синтаксиси, оғзаки ва ёзма нутқ; функционал услублар; нутқ маданияти; сўз бойлиги; публицистика, бадий адабиёт, поэтика; шеър семантикаси, матн таржимаси, матн талқини; бадий услуб; бадий асар; адабий тур ва жанрлар; кофия, радиф, вазн, бадий санъатлар; адабий жараён; миллий адабиёт, ижодкор индивидуаллиги, адабий-ижодий новаторлик; адабий оқимлар; адабий матн; адабиёт тарихи; адабиёт тарихини даврлаштириш; адабиёт намояндалари; тарихий-адабий асар; матншунослик, адабий манбашунослик, методика.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор  Г.Ш.Рихсиева

2020 йил « 18 » 08



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

М.У.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Абу Райхон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институти

Директор  Б.Абдухалимов

2021 йил « 18 » 08

М.У.


Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими  
вазирлиги хузуридаги Республика  
Таълим маркази

Директор  Ш.Сатторов

2021 йил « 18 » 08

М.У.

Алишер Навоий номидаги Тошкент  
давлат Ўзбек тили ва адабиёти  
университети

Ректор  Ш.Сирожиддинов

2021 йил « 18 » 08

М.У.